



# **БИТИРУВЧИ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ**




## **Очиқ мулоқот**



Бугун 4 апрель куни Олтинсой туманиндағи 1-сонли касб-хунар мактабида тумандаги 1-ва 2-сонли касб-хунар мактаблари ҳамда педагогика колледжини битираётган ёшлар билан соҳа раҳбарларининг очиқ мулоқот тарзидаги учрашуви бўлиб ўтди. Уни мазкур таълим маскани психологи Матлуба Султонова олиб борди.




Тадбирда сўз олган Олтинсой туман ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринbosари Хайрулла Қосимов, Ёшлар агентлиги туман бўлими раҳбари Аслиддин Хуррамов, туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи Шароф Худойбердиев, 1-сонли касб-хунар мактаби директори Абдурасул Тошмуродов, 2-сонли касб-хунар мактаби директори ўринbosари Чори Шукуров, педагогика колледжи директори ўринbosари Зикрилла Қодировлар битирувчи ёшларни Президентимиз томонидан яратилган шартшароитлар, имконият ва имтиёзлар билан таништиришди ҳамда олий ўқув юртига ўқишга бориш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш борасида йўл-йўриқ кўрсатдилар.




Туман ҳокими ўринбосари Хайрулла Қосимов ёшларга мустақил ҳаёт йўлида ўз муносиб ўринларини эгаллашлари борасида туман раҳбарияти доимо энг яқин маслаҳатчи ва кўмакчи эканлигини билдириди ва исталган пайтда мурожаат қилишлари мумкинлигини таъкидлади.



Ёшлар агентлиги туман бўлими раҳбари Аслиддин Хуррамов бити्रувчи ёшларни маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан мустаҳкам алоқада бўлишларини, уларнинг телеграм каналига аъзо бўлиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, иқтидорини рўёбга чиқариш борасидаги таклиф ва янгиликлардан хабардор бўлиб туришларини айтиб ўтди. Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига кўмак бериш учун Ёшлар агентлиги томонидан кўрсатиладиган кўмак, субсидия, йўлланма ва имтиёзлар турлари билан таништириди.



Шундан сўнг таълим масканлари раҳбарларининг ҳам шу мазмундаги мурожаатларидан кейин, сўз навбати ёшларга берилди. Битирувчи ёшлар очик мулоқот ҷоғида ўзларини қизиқтирган барча саволларга раҳбарлардан батафсил ва жўяли жавоблар олишди.



Битирувчи Самандар Йўлдошевнинг ўз-ўзини банд қилиш учун чорвачиликни ривожлантиришга қанча миқдорда кредит олиши мумкинлиги борасида саволига Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими раҳбари Аслиддин Хуррамов бу мақсадда 30 миллион сўмгacha кредитни гаровсиз олиши мумкинлигини билдириди. Шу билан бирга Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ёшларга кўрсатиладиган 20 турдаги имтиёзлар билан битирувчиларни таништириб ўтди.

Жорий йилда тумандаги 2-касб-хунар мактабини 130 нафар, 1-касб-хунар мактабини 173 нафар, педагогика коллежини эса 93 нафар кундузги ва 85 нафар сиртқи бўлим талабалари битиришади.

Шу куни битирувчилар учун 1-сонли ҳунар мактабида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Ёшлар келгусида ўзларини қизиқтирган касблар

ва бўш иш ўринлар ҳақида мутахассислардан атрофлича маълумот олдилар.



— Ярмаркада битирувчи ёшлар учун 200 та бўш ўринлари таклиф этилди, — дейди туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари Алимардон Ашурев. — Ўтказилган меҳнат ярмаркасида 80 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Мулоқот давомида ёшларни ўйлантираётган барча муаммоларга ечим изланди, янги ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди.

**Абдуғаффор ОДИНАЕВ.**